

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!
Муҳтарам деҳқон ва фермерлар!
Аввало, барчангизни, сизларнинг тим-солингизда бутун халқимизни қутлуғ айём – Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни билан самимий муборакбод этаман.
Ҳаммамизга яхши аёнки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир.
Ана шундай муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматқаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонқуяр олим ва мутахассисларни дунёдаги энг олижаноб касб эгаларидир, десак, айна ҳақиқат бўлади.
Чиндан ҳам, буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар эрта баҳорда ерга уруғ қадаб, ризқ йўлини очадиган, хонадонларимиздаги тўкинлик ва файзу барака сабабчиси бўлган сиздек фидойи инсонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.
Ушбу байрам муносабати билан сизларни кўтлар эканмиз, бу йилги машаққатли меҳнатингиз, эришилган натижалар ва олдимизда турган режалар ҳақида атрофлича тўхталшимиз табиийдир.
Аввало сайёраимиздаги глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда минтақамиздаги эко-

логик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида ҳар йили илгари кўрилмаган янги-янги синов ва қийинчиликлар пайдо бўлаётганини қайд этиш лозим.
Лекин кўпни кўрган, доимо ер билан тиллашиб, дардлашиб яшайдиган деҳқон ва фермерларимиз ана шундай мураккаб шароитда ҳам омилкорлик билан, бой билим ва тажрибаси, илм-фан ютуқларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар.
Жорий йилда сизларнинг пешона терингиз билан 7 миллион 130 минг тонна ғалла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 400 минг тонна шоли, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва 11 миллион тонна сўт маҳсулотлари, 8,1 миллиард донна туҳум олингани бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.
Ҳозирги вақтда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб бораётгани сир эмас.
Шунинг учун ҳам биз иқтисодиётимизни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат экинлари етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.
Бу ҳақда сўз юритганда, кейинги тўрт йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 300 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа экинларини

етиштириш йўлга қўйилиб, жумладан, 32 минг гектар ерда интенсив боғлар, 15 минг гектарда тоқзорлар, 2 минг гектарда замонавий иссиқхоналар барпо этилгани, 114 минг гектарда сабзавот ва картошка, 72 минг гектарда дуқакли ва мойли экинлар, 52 минг гектарда озуқа экинлари етиштирилатганини таъкидлаш лозим.
Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида олиб бораётган тизимли ислохотларимиз сизларга яхши маълум, албатта.
Натижада бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан жами 217 триллион 700 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 12 фоиз кўп фойда олинди.
Ерни ҳақиқий эгасига бериш, айниқса, маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган агробизнеснинг яхлит занжирини ўз ичига қамраб олган кластер моделини ва кооперация тизимини тўлиқ яратишга жиддий аҳамият қаратилмоқда.
Жорий мавсумда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган, Тошкент,

Бухоро вилоятларида эришилган юксак марралар бу тизимнинг қанчалик самарали эканини амалда исботламоқда.
Шунингдек, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Тошлоқ, Жалақудуқ, Қўргонтепа, Пахтаобод, Амударё, Бөрүний, Элликқалъа, Хива, Хонқа, Янгибозор, Мингбулоқ, Поп, Чуст, Қуйичирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Қоракўл, Олот, Вобкент, Дўстлик, Нарпай каби ўнлаб туманларда ушбу тизим асосида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.
Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз кейинги йилдан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ – 100 фоиз кластер усулига ўтказишга қарор қилдик. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини изчил давом эттирамиз.
Биринчи марта бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришни рағбатлантириш тизими жорий этилгани ўзининг улкан ижобий самарасини берди. Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ҳосилдорлик гектарига 65-67 центнерга етгани ана шундай янги ёндашувнинг маҳсули бўлди.
Энг муҳими, 3 миллион 800 минг тонна ғалла деҳқон ва фермерлар иштирида қолдирилган ушбу мавсумнинг асосий натижаси, десак, тўғри бўлади.
(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 92 нафар фуқаро афв этилди.
Афв этилган шахсларнинг 20 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 37 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 16 нафарига тайинланган жазо энгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 73 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда ва пробация хизмати органлари назоратидан олинмоқда. Шунингдек, 19 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.
Афв этилган шахсларнинг 3 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 3 нафарини аёллар ҳамда 79 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.
Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сивъатининг, халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намойён бўлганининг амалий ифодасидир.
Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан маъсул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Қўшнилариинг қақриғи билан дарров чопиб кўчага чиқдим. Нима бўлганини сўрасам, тўрт уй наридаги уй ёнаётганини айтишди. Сув керак экан, ёрдам сўрашди. Дарҳол ҳаракат бошланди. Зудлик билан ўт ўчирувчиларга хабар бердик. Жуда тез келишди. Ёнғин бартараф этилди. Ҳамманинг кўнгли жойига тушди. Кўни-қўшилари уй-уйларига тарқалди. Ўт ўчириш ходимлари эса ёнғиннинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида суриштирув ишларини бошлаб юборди.

Табиатга меҳрибон инсон кам бўлмайди

Маълум бўлишича, ёнғин бир безътибор инсоннинг сигаретни ўчирмасдан, қуриб ётган хашак устига ташлаши оқибатида юзага келган экан. Хуллас, маҳалла нозирироқ ҳокимият вакили, электр тармоқлари корхонаси, сув таъминоти, тиббиёт ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари ва мутахассислар бир кун банд бўлди. Шу баҳона атрофдаги бошқа ҳудудлар ҳам текширувдан ўтказилди. Энди, яна ёнғин бўлса, нафақат ёрдам бераман, ҳатто чиқмайман ҳам, деб ҳўқоясини тугатди кўшним.

...Ер юзиде атроф-муҳит доимо ўзгариб туради. Буни инкор этиб бўлмайди. Бироқ атроф-муҳитимиз ўзгаргани сари уни ўраб турган муаммолардан кўпроқ хабардор бўлиш зарурати тобора ошиб бораёпти. Буни дарров сезишнинг имкони йўқ. Она табиатдаги экологик ўзгаришни инсоният қачон пайқайди? Қачонки, одатий муҳит ўзгариб, ноқулайлик туғдирганда сабабини қидиришни бошлаймиз. Инсонмиз, даровгина табиат ёки экологик ўзгаришлар оқибати эканини тушунишимиз қийин. Ваҳоланки, бу ўзгаришлар сабабчиси ҳам асли ўзимиз эканимизни тушунганимизда кеч бўлади. Уни қайта тиклаш учун бир ёки ўн одамнинг ҳаракати камлик қилади. Табиий офатлар, глобал исиш ва совиш, турли хил об-ҳаво шароитлари, атмосфера ҳароратининг ўзгариши, ҳавонинг бузилиши ва яна кўп нарсалар орқали одамлар сайёраимиз олдида турган экологик муаммолардан хабардор бўлиши керак.
(Давоми 2-саҳифада)

8 декабрь - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 117-модда).

Асосий Қонунимиз берган ҳуқуқ

Янги Ўзбекистон! Бугун ана шундай эътироф халқаро ҳамжамиятнинг эътиборида. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида бутун халқимиз янги ҳаёт, янги давлат қуриш йўлида қатъий ва изчиллик билан амалга ошираётган улкан ишларга берилаётган ҳолис баҳодир.

Юртимизда катта сиёсий тадбир – мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлажак сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" деган эзгу го

асосида ўтажак сайловлар шу юртининг фуқароси сифатида ҳар биримиздан ушбу муҳим тадбирга онгли равишда, дахлдорлик тўғриси билан ёндашишимизни тақозо этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 9-бандида фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлашни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилган эди.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.
(Давоми 2-саҳифада)



Фарғона шаҳрида "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёт фестивалининг вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, улар истеъдодини юзага чиқариш, навқирон авлоднинг она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадларни ўз олдига қўйган аънанавий тадбирнинг шахар ва туман босқичларида 7 минг 298 дан зиёд ўғил-қиз иштирок этди. Улардан 700 нафари фестивалнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Истеъдодли ўғил-қизлар жами олти

йўналиш бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказишди.
– Фарғона санъаткорлар маскани сифатида ҳам машҳур, – деди Марғилон шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мубина Пўлатова. – Албатта, уларга муносиб бўлиб, ўзбек санъатини дунёга танитиш биз, ёшларнинг асосий мақсадимиз. Мен миллий кўшиқлар ижросига қизиқаман, шу йўналишда устозлардан таҳсил олаётганман. Бугунги тадбирда ҳам ана

шу йўналишдаги номинацияда ғолиб бўлдим.
Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройида бўлиб ўтган тадбирда энг яхши натижаларга эришган иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов ғолиблари ва вилоятдаги таниқли санъаткорлар иштирокида гала-концерт уюштирилди.
М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Қомусим

Махмуд ТОНИР,
Ўзбекистон халқ шоири.


Ўқиб уқмагани оқил тан олмас,
Тиланчи титрайди, тетик бўлолмас.
Ҳар китоб бахтинга битик бўлолмас,
Бетимсол бойлигим – бир санж, Қомусим,
Халқим ҳуқуқига таянч, Қомусим.

Юртим осмонида ҳурлик офтоби,
Қомус – давлатимнинг бу Бош Китоби.
Ҳар боб, ҳар моддаси ақл хитоби,
Тафаккур ақлининг дури, Қомусим,
Ҳам кўзининг, ҳам дилнинг нури, Қомусим.

Тақдир неки битса, бори бўлгайдир,
Одам бор кўнглида зори бўлгайдир.
Миллатим деганнинг, ори бўлгайдир,
Миллат мардларининг ори, Қомусим,
Ҳақ деган ҳаққўйнинг ёри, Қомусим.

Уртимиз ҳаётнинг асли тўрт фасли,
Адолатга ташна одамзот насли,
Инсон эрки билан инсондир асли,
Сен билан кўқимиз осмон, Қомусим,
Қадру қадриятга қалқон, Қомусим.

Давлатим тожи деб бошимда тутғум,
Қувонч кўздан оқса, ёшимда тутғум,
Умринг битди деса, лошимда тутғум,
Қиёматга қадар жонсан, Қомусим,
Дунё ичра дунё, шонсан, Қомусим.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Давлат ветеринария қўмитаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди ҳамда унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Ушбу тарихий ҳужжатлар билан республикамызда ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритиш механизми яратилди.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси юртимизда ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритиш билан бирга аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам йирик лойиҳаларни амалиётга жорий этмоқда.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги билан юртдошларимизни самимий муборакбод этади.



Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин бўлсин!



Наманган вилояти меҳнаткашлари жорий йилни барча соҳаларда ижобий натижалар билан якунламоқда. Шу ўринда вилоят иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам дадил қадамлар қўйилди.

Шу кунларда Наманган вилоятида соҳадаги ютуқларини муносиб нишонлаш, тантана қилиш мақсадида “Ҳосил байрами”га қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб,

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ, ВИЛОЯТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ, ВИЛОЯТ ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

соҳа фидойиларини Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни билан муборакбод этади. Барчани бугун вилоятда бўлиб ўтадиган “Ҳосил байрами” ва оммавий улоқ кўпқари мусобақаларига таклиф этади.



“ТОШКЕНТ КЎПРИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ”

унитар корхонаси меҳнат жамоаси

барча юртдошларимизни
**БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ
27 ЙИЛЛИК**

байрами билан қизгин табриклайди ҳамда уларга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик ва оилавий хотиржамлик тилайди.



Қорақалпоғистон Республикаси

“Аёл бахти”нинг сири нимада?

БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ “АЁЛ БАХТИ” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ ДАРИГУЛ РАБОВА ЙИГИРМА ЙИЛДИРКИ УШБУ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИБ КЕЛАДИ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ИПИДАН ИГНАСИГАЧА БИЛАДИГАН ЕТМИШ ЁШЛИ БУ ОНАХОННИНГ ШИЖОАТИГА, ҒАЙРАТИГА ҚОЙИЛ ҚОЛМАСДАН ИЛОЖ ЙЎҚ.



Ўзининг ҳалол меҳнати ортидан бахтини толган аёл фермер хўжалигининг номини “Аёл бахти” дея номлашни ихтиёр этди ва бу билан ўзининг бахтли, саодатли аёл эканини, меҳнат инсонни улуғлашни, бахтли қилишни яна бир қарра намоён қилди.

Даригул опа билан икки оғиз суҳбатлашган онингиз, унинг ниҳоятда қатъиятли, керак бўлса ўжар феълли, сўзида собит турадиган аёл эканлигини фаҳмлай-

сиз. Ундаги қатъият, талабчанлик шу билан бирга, ўз ишчиларига бўлган самимий меҳр меҳнатдаги ютуқларининг асосий омили эканини англайсиз. Аҳилликда, ҳамжихатликда қилинган иш эса ҳаммиша бароридан келади. Жорий йил ҳам фермер хўжалиги аъзолари учун баракайи йил бўлди. Белгиланган шартнома режалари ортиги билан уддаланиб, 500 миллион сўм фойда кўрилди.

С.РАҲИМОВ

Қутлов



Тошкент давлат аграр университети жамоаси

мамлакатимиз аграр соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган фермерлар, чорвадорлар, миришкор боғбонлар, ташаббускор агросаноат ходимлари ва барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунин билан самимий муборакбод этади!

Жонажон юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ҳар бир эзгу ниятларингиз, истиқболли лойиҳаларингиз рўёбини кўриб юриш бахти барчангизга насиб этсин!

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04. web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

— (+99893) 630-73-03;
— (+99891) 401-29-59;
— (+99893) 940-10-78;
— (+99891) 332-50-99;
— (+99893) 948-53-86;
— (+99890) 407-76-03;
— (+99893) 349-54-39;
— (+99894) 168-23-60;
— (+99890) 520-20-05;
— (+99890) 978-39-58;
— (+99897) 790-47-61;
— (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1225, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририятнинг ўзидa компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 599 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.30

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир: А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Реклама

Тел: (99) 844 29 03 (90) 948 24 00
(93) 552 24 00 (93) 548 24 00



alfa milk
everything for livestock farmers

“Alfa Milk” компанияси Германия, Австрия, Голландия, Чехия, Эстония, Украина давлатларидан насли қора молларни (сут ва гўшт йўналишида) буюртма асосида етказиб беради. (Камида 1 фура-33 бошгача)

Шунингдек, фермерлар учун мобил соғиш аппаратлари, соғим заллари, танк охладителлар, миксерлар олиб келиб, ўрнатиб беради.



www.alfamilk.uz

Манзил: Тошкент ш. Бектемир пост.


Махсусотлар сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти тизимидаги “ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ” акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.



Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434-уй. Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info: @ TZST.uz.

Махсусотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

- Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
 - Бульдозер-погрузчик БЛ-750
 - Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
 - Асфальторез
 - Подъемник БЛ-09
 - “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
 - “Беларусь” тракторлари эҳтиёт-қисмлари
 - Турли моделдаги шиналар



Махсусотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Тошкент ш. Олмазор т. Ягона дарча маркази томонидан рўйхатдан ўтган Медгородок кўчаси 6-уй 2-хонадонда жойлашган “KABEL SANOAT QURILISH” МЧЖ (ИНН 302256724) (Т у в о х н о м а 003486-05) тугатилади. Даво-лар эълон чоп этилган санадан бошлаб 6 ой.